

Роким (тахаллуси; исми номаълум, 1742 — Хоразм — 1814/15) — шоир, хаттот. Ижодда Навоий ва Фузулийга эргашган. Ўзбек ва форс тилларида, мумтоз бадииятнинг деярли ҳамма жанрларида ижод қилган. Анъанавий ишқий лирикаси ва ижтимоий масалаларга оид шеърлари ижодида муҳим ўрин тутди. Уларда давр кийинчиликлари, жабр-зулмдан шикоят анъанавий ишқий қайфиятлар орқали ифодаланган, ёр мадҳи турмушнинг ижтимоий талқини б-н боғланган, ишқий норозилик эса ижтимоий адолатсизликдан шикоят маъносини ақс этган. Рокимнинг бизгача 1 девони (6470 мисра) ва девонга кирмаган 30 мухаммас, 6 газали етиб келган. Кўплаб мухаммаслари Навоий, Фузулий, Мунис, Бедил, Равнак ва бошқанинг газалларига боғланган. Роким Хоразм адабий муҳитида марсиячиликка асос солган. Марсияларидаги хасратлар реал инсоний кечинмаларга асосланган, анъанавий образ ва ифодадан кочиб, янги, ҳаётий образлар яратган. Роким номалар ҳам ёзган, Мунис девони ва бошқаларни хуснихатда кўчирган. Девони қўлёзмаси Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик институти фондида сақланади (инв. №7576).

## ГАЗАЛЛАР

Фалак зулм айлаб элга ошкор охиста-охиста,  
Олур жонин қилиб беихтиёр охиста-охиста.

Емай-ичмай букун кўб жамъ қилдинг сийму зар накдин,  
Бўлур гўрингда тонгла мўру мор, охиста-охиста.

Қилиб зулм элга, йигнаб мол мағрур ўлма, эй золим,  
Фалак тортар ниҳодингдин дамор, охиста-охиста.

Анинг бедоду зулмидин залилу зор бўлгайсен,  
Кетиб илгингдин иззу эътибор охиста-охиста.

Тамаъни тарк қилмай, иззат истар халқдин харким  
Бўлур бу феълидин, албатта, хор, охиста-охиста.

Топиб огохлик, тенгрига лойик, қилмадим бир иш,  
Ўтуб гафлат била лайлу нахор охиста-охиста.

Замон ахли нифоқидин халос ўлгойсен, эй Роким,  
Алардин тортсанг ўзни канор, охиста-охиста.

\* \* \*

Эй фалак, бир сарвқад ишқиди зор этдинг мени,  
Кечау қундуз ўзунгдек беқарор этдинг мени.

Аклу хушимни бериб барбод бир гул хажрида,  
Юз туман гам еткуруб кўнглумга, хор этдинг мени.

Кору боримни саросар оху фарёд айлабон,  
Волау саргаштаи бир гульюзор этдинг мени.

Дилбаримни саркашу мустагнию берахм этиб,  
Охким, зору заифу хоксор этдинг мени.

Гарчи тенг килдинг бошимни ер била, юз шукрим,  
Поймоли тавсани чобуксувор этдинг мени.

Ул пари хижронида жисмимдин, эй жон, чикмайин,  
Васлига етгач фиғонким шармсор этдинг мени.

Холи зоримга тараххум килмайин Роким каби,  
Эй фалак, бир сарвад ишкида зор этдинг мени.

\* \* \*

Бўлуб Мунис сенга хамроз Роким,  
Бори элдин килиб мумтоз Роким.

Сенга зохир килиб мехру мухаббат,  
Демиш айлаб вафоу ноз Роким.

Такаллум тигидан безахм колдинг,  
Улуглик кўргузуб эъжоз Роким.

Эшитгач бу сўзин айлаб дуосин,  
Бўлуб халк ичра сарафроз Роким.

Тафохур айлабон дер ўз-ўзига,  
Чекам охистарок овоз Роким.

Агар хар кунда юз минг пора килса,  
Санга бордур хануз ул оз Роким.

Муносибдур сен ўз хаддингни билмак,  
Гадою, шах эмас дамсоз Роким.

Жахон богида айлаб ор бўлмас  
Баробар карга бирла коз, Роким.

Кабутарлар била айлар кабутар,  
Заган бирла заган парвоз Роким.

Каломингни узотма, эмди бас кил,  
Лазиз ўлгай сўз ўлса оз, Роким.

Бўлуб маъмур амри, бир газални,  
Мухаммас айладинг шахбоз Роким.

Писанд этгай эди бўлса жахонда  
Сўзингни Хофизи Шероз, Роким.

Била олмон кабул этгайму ё рад  
Хадисинг муниси танноз Роким.

Намози шом бўлгач топти итмом,  
Намози аср этиб оғоз Роким.

Галат эрмас бу сўзларга тонукдур,  
Худойи фарди беанбоз Роким.

\* \* \*

Тиларменким манга ёр ўлса Мунис,  
Олиб кўнглумни дилдор ўлса Мунис.

Жахон богида булбулнинг муроди,  
Будурким анго гулзор ўлса Мунис.

Гурури хуснидин килмас кабулин,  
Келиб Юсуф жилавдор ўлса Мунис.

Билур ишкида кадримни, бировга  
Ўзи мендек гирифтор ўлса Мунис.

Эшитгай эрди «ё раб»-«ё раб»имни,  
Агар бир кеча бедор ўлса Мунис.

Хаёли зор кўнглум ичра басдур,  
Мени бекасга даркор ўлса Мунис.

Ўлармен юз гаму хасрат била, вой,  
Анга бир лахза агёр ўлса Мунис.

Топар бирдамда сиххат хаста кўнглум,  
Менга ул чашми бемор ўлса Мунис.

Кечар икки жахон султонлигинин  
Хазин Роким била ёр ўлса Мунис.

\* \* \*

Охким, солиб укубатларга жонимни мараз,  
Айлади мамлу жарохатдин дахонимни мараз.

Турфаким айлаб тилимни хам саросар захмнок,  
Кўйди сўз дердин забони дурфишонимни мараз.

Турфарок буким олиб мендин емак — ичмакни хам,  
Эмди бўғзимдин кечурмас ошу нонимни мараз.

Ошу нондин демаким, бир катра сув ичмак манга,  
Мумкин эрмас, олгали тобу тавонимни мараз.

Айлабон зулму ситам юз минг укубатлар била,  
Ох, жоним олгудек бермай амонимни мараз.

Кўр, не золимдур ёмон холимга раҳми келмади,  
Эшитиб жонкох фарёду фигонимни мараз.

Айлабон кахру газаб бошимга савдолар солиб,  
Йигнади бозор оламдин дўконимни мараз.

Бўйла мехнатни чекарда дўстларни демайин,  
Кўрмасун душман деган номехрибонимни мараз.

Ўйла совурди вужудим хирманин боди фано,  
Эмди истаб топмагай ному нишонимни мараз.

Келди жаллоди ажалдек олгали жон нақдини,  
Охтариб истаб топиб ётган маконимни мараз.

Англамон ўлсам касосимни мараздин ким олур,  
Захм уруб жонимга тўкти ерга конимни мараз,

Раҳм этиб холи харобимга худойим саклади,  
Олгудек эрди йўк эрса хаста жонимни мараз.

Куйдуруб жонимни магзи устухоним ўртади,  
Айлади нобуд пайдову нихонимни мараз.

Килгасен, ё раб, ўзинг Роким дуосин мустажоб,  
Килмагай вайрон баногах хонумонимни мараз.

\* \* \*

Тилаб Роким хазин кўнглум кушодин,  
Сочай мушк ўрнига килким мидодин.

Димогим бўлгач-ўк андин муаттар,  
Килай фарзанди жонпайванд ёдин.

Агар бор эрса хушинг мустамаъ бўл,  
Кўнгулни жамъ этиб хар можародин.

Биродарлар, мени бечоранинг хам  
Бу эрди хожатим тун-кун худодин.

Ато килса менга фарзанди солих,  
Муяссар айлабон кўнглум муродин.

## **МУХАММАСЛАР**

### **НАВОИЙ ГАЗАЛИГА МУХАММАС**

Олса кўнглумни ул икки зулфини печу хама,  
Мендин этманг айбким бордур йигитлик олами,  
Колмади жонимга гардун зулм килмокнинг ками,  
Бизга етмас эрди бир номехрибон дарду гама,  
Ким, фузун хам бўлди ёри мехрибоннинг мотами.

Ул ики дилбар бири кўнглимни олиб, бири жон,  
Бири зулм этса, бири юз лутф этар эрди аён,  
Бири гамгин этса, бири айлар эрди шодмон,  
Икки ёр эрди манго номехрибону мехрибон,  
Мехрибон борди, колиб номехрибон дарду гама.

Багрими ул ой фироки лахта-лахта килди кон,  
Кўр нелар мунглуг бошимга солди даври осмон,  
Бўлмагоймен не учун хам хастау хам нотовон,  
Борди улким бор эди хам махраму хам мехрибон,  
Жон бериб бўлмон бу бир номехрибоннинг махрами.

Келманг, эй бедардлар, холим сўрарга ёнима,  
Мотамида ногохон ўлсам колурсиз конима,  
Чора эмди кимдан истай дарду бедармонима,  
Хар жарохатким, улар номехрибоним жонима,  
Мехрибоним ул жарохатларнинг эрди мархами.

Охким, ул мехрибоним килгали азми жинон,  
Хардам айлар бу махи номехрибоним касди жон,

Тортибон тийги жафо, бермай манга бирдам амон,  
Ваҳки минг захм урса жонга бу махи номехрибон,  
Йўк иложига кўнгулнинг меҳрибону хамдами.

Ишк таврида мени девонаи бехонумон,  
Уйладурменким, бошимни кессалар кўрмон ёмон,  
Хўблар юз жавру минг зулм этсалар килмон фиғон,  
Мугтанамдур ул пари бор эрса хам номехрибон,  
Дахр аро чунким топилмас меҳрибонваш одами.

Рокимо, мендек жахон ахлида бир овора йўк,  
Кўнгли бирёну, кўзи гирёну, багри пора йўк,  
Йигламай холимга колган собуту сайёра йўк,  
Меҳрибоним чикса оламдин, Навоий, чора йўк,  
Ёрдин хам хуштурур номехрибонлик олами.

#### НАВОИЙ ГАЗАЛИГА МУХАММАС

Айламиш золим фалак гам хирманин кўнглумда чош,  
Нолаи зорим тонг армас килса эл кўнглин харош,  
Вой, юз минг войким, ахбоб ила килмай кенгош,  
Чикти ёрим кеча йўл азмин килиб ул багритош,  
Бас ажойибдур коронгу кеча чикмоклик куёш.

Боргали ул махжабин кўзлардин учти уйкулар,  
Касд этиб жонимга харёндин етишди кайгулар,  
Булъажаб холнмни кўрган гох йиглар, гах кулар,  
Гар куёшга эл назар килса кўзига ёш тўлар,  
Ул куёш боргач назардин кўзларимга тўлди ёш.

Гайридин билкулл кечиб ишкида пок ўлган кўнгул,  
Жонфизо лаъли лабин топмай халок ўлган кўнгул,  
Ханжари мужгони бирла захмнок ўлган кўнгул,  
Захмдин кўб кон борурдин колди чок ўлган кўнгул,  
Зангдек афгон чекиб, хайлида бўлгай эрди кош.

Сенсизин гардунга ўтлиг ох тортиб дам-бадам,  
Кисматим бўлмиш гам узра гам, алам узра алам,  
Кайси кун бўлгай сени кўрмак муяссар, эй санам,  
Фуркатингдин йиглабон хакдин висолинг истарам,  
Гах сочармен бошга туфрок, гах кўярмен ерга бош.

Бўлгали мен телба айру ул хилоли кошдин,  
Дахр вайрон бўлгудек кўзумдин окган ёшдин,  
Ўлгудек холатдадурмен колгали йўлдошдин,  
Катра конлар гар томар кўксумга урган тошдин,

Захмдиндур демаким, кон йиглар ахволимга тош.

Хобгохинг айлабон зарбафти зебо бирла фарш,  
Бўлма магурр, ўлгунг охир, килма кимхоб бирла фарш  
Тахтаи тобутинг айлаб неча дебо бирла фарш,  
Чун тўшарлар окибат устинга хоро бирла фарш,  
Не осиг, остингда гар чарх атласидандур фирош.

Тушгали Рокимдин айру дилбари майхораси,  
Истабон тобмай они бўлмиш жахон овораси,  
Айтингизлар, ишк дардининг не эркан чораси?  
Фош этар меҳрин Навоийнинг сариг рухсораси,  
Субхдекким саргариб рухсори айлар меҳр фош.

### НАВОИЙ ГАЗАЛИГА МУХАММАС

Адамдин бўлгач-ўк Ширину Лайли ногахон пайдо,  
Бўлуб Фарходу Мажнун янглиг икки нотавон пайдо,  
Килиб хар бири ўз дилдори кўйида макон пайдо,  
Манга не манзилу маъво аён, не хонумон пайдо,  
Не жонимдин асар зохир, не кўнглумдин нишон пайдо.

Азал кассомидин бўлмиш манга хижрон гами максум,  
Кўруб хар лахза юз минг зулм гардундин мени мазлум,  
Денгиз, ахбоб, сизга кайси дардимни килай маълум,  
Хирад махфий, бадан фоний, кўнгул гойиб, тараб маъдум,  
Бори сахл эрди бўлса эрди ул номехрибон пайдо.

Ул ойким оташи ишки дили сўзонда пайдодур,  
Ўкидин юз бошок бу дийдаи гирёнда пайдодур,  
Таманнои висоли хотири вайронда пайдодур,  
Хаёли жонда пайдодур, сўзи афгонда пайдодур,  
Ўзи хам нетти, вах, оллимда бўлса бир замон пайдо.

Киши ўлмас ажал сокийсидин паймонаси тўлмай,  
Казодин хирмани умри фано бодига соврулмай,  
Тилармен, ёрсиз оламда бир соат тирик бўлмай,  
Улар холатдамен онсиз, тарабдин кўрмайин ўлмай,  
Деманг таъжил ила ул умр бўлгай ногахон пайдо.

Жахонга хар киши келди анга ўлмак мукаррардур,  
Борур келган йўлидин хох Дороу Скандардур,  
Ўлумдин кўркмок, жоно, санга кайдин муяссардур,  
Хазар килмок казо жаллодидин бўлмаски йиллардур,  
Килур катл ўйлаким не тийг эрур зохир, не кон пайдо.

Ажаб гофилсен, эй одам, бўлур хар лахза умринг кам,  
Кани ёру, кани хамдам, ўларсан окибат сен хам,  
Эшит айтмай санга абсам, бу нукта колмасин мубхам,  
Кесар юз нахлни хар дам, килур юз сарвни хуррам,  
Таажжуб кўрки, бу гулшанда эрмас богбон пайдо.

Сени хак хўбларга шох килмиш ул махалдинким,  
Килиб хуснингни афзун кун-бакун рўзи азалдинким,  
Кўруб маъруз этар Роким кечиба бахсу жадалдинким,  
Санга жон шавкидин берди Навоий, йўк ажалдинким,  
Ажал топкунча эрмас ул заифи нотавон пайдо,

### НАВОИЙ ГАЗАЛИГА МУХАММАС

Солгали жонимга ўт бир махликониинг фуркати,  
Кўкда охим шуъласидиндур шафакнинг хумрати,  
Зор жисмимдин кесилгач хаста жоннинг улфати,  
Жонга чун дерман не эрди ўлмаким кайфияти,  
Дерки, боис бўлди жисм ичра маразнинг шиддати.

Келгали дунёи дунга кўрмадим айшу тараб,  
Заъфи толеъ кўрки, тинмай кон ютармен рўзу шаб,  
Жон нахифу тан заиф ўлмок ажаб узра ажаб,  
Жисмдин сўрсамки, бу заъфингга не бўлди сабаб,  
Дер, анга бўлди сабаб — ўтлиг багрнинг хиркати.

Топмайин дардимга дармон кўп югурдим хар ёнга,  
Билмон, эй жони балокаш, не илож айлай санга,  
Куйганимни сар-басар айтай кулок солсанг анга,  
Чун багрдин сўрсам айтур, анда ўт тушди манга-  
Ким, кўнгулга шўъла солди ишк барки офати.

Бўлмасун хеч кимса, ё раб, мен каби холи табах,  
Килди чархи бемурувват рўзгоримни сиях,  
Ўртаниб хасрат ўти бирла вужудум тах-батах,  
Кўнглума килсам газаб, айтурки, кўздиндур гунах,  
Кўрмайин ул тушмади бизга бу ишнинг тухмати.

Килгали мехнат ўки жисмимни сартосар яро,  
Топмадим захмимга мархам истабон олам аро,  
Ўз-ўзум бирла килиб девоналардек можаро,  
Кўзга чун дерменки, эй тар домани юзи каро,  
Сендин ўлмиш хаста кўнглумнинг балоу мехнати.

Охким, йўктур гамимни сўргали бир гамгусор,  
Ёшурун дардимни билмон кимга айлай ошкор,



Кон ёшидин жайбу домонимни айлаб лолазор,  
Йиглаб айтур кўзки, йўк, эрди манга хам ихтиёр  
Ким, кўрунди ногахон ул шўхи махваш талъати.

Неча, Роким, айлабон чуну чарони жустужўй,  
Айлагайсен жахлдин хар узв бирла гуфтугўй,  
Окил эрсанг эмди кел бехуда афсонангни кўй,  
Эй Навоий, барча ўз узрин деди, ўлгунча куй,  
Чун санга ишк ўти-ўк эрмиш азалнинг кисмати.

## НАВОИЙ ГАЗАЛИГА МУХАММАС

Хар неча бу балокаш ул ойга бўлса мардуд,  
Жонлар фидоси килмок бордур кўнгулга максуд,  
Бу навъ хурнайкар эрмас жахонда мавжуд,  
Рухсори жонибида ул холи анбар олуд,  
Ўт гўшасида гўё анбар тушуб килур дуд.

Кўргач ул ойни лола кўксида дог колди,  
Сарви сихи кадидин бог ичра кўб уялди,  
Гаввос кўнгли захми дур васлидин ўнгалди,  
Бахри гам ичра ашким кўнглига рахм солди,  
Дарё мусофиримен гавхардин айлаган суд.

Динимни горат этгач ул вусмалик кўзу кош,  
Оламга оху ашким сирримни айлади фош,  
Дашти жунунда деманг Мажнунни манга йўлдош,  
Базми гам ичра шахмен, сориг юзумда кон ёш,  
Бу лаълранг бода, ул согари зар андуд.

Гамзанг киличи, жоно, нечун бошимни чопмас,  
Гарди сийми самандинг урён танимни ёпмас,  
Кўюнга демон итлар бу нотавонни копмас,  
Кўнглум гадолиг айлар огзингни гарчи топмас,  
Йўк ваъда бирла они килсанг не бўлди хушнуд.

Токи гамингда багрим хуноба бирла тўлсун,  
Гайрингга боксам, эй жон, икки кўзум ўюлсун  
Бординг кўнгул не янглиг андухдин тутулсун,  
Келким йўлингда туфрок бошингга садка бўлсун,  
Хам жисми дардпарвард, хам жоний ранжфарсуд.

Сўз дема окил эрсанг шоху вазирдинким,  
Тангрига восил ўлган ёд эт факирдинким,  
Суду зиён хадисин сўр бу хакирдинким,  
Нобуду буд фикрин махв эт замирдинким,

Не буд колгусидур охир санга, не нобуд.

Роким, гар одам эрсанг, кўп бўлмогил хавойи,  
Килма ўзунгни зинхор зухд ахлидек риёйи,  
Айш айлар элга хуштур майхона бўлса жойи,  
Сархуш тарона гўстар топмишсен, эй Навоий,  
Сокий, сен эмди тут май, мутриб, сен эмди туз уд.

### **НАВОИЙ ГАЗАЛИГА МУХАММАС**

Боргали ёд этмас ул махваш мени гамнокни,  
Бу мусибатдин бошимга совурурмен хокни,  
Айб килманглар кўруб сийнамда харён чокни,  
Хафтаедур кўрмамишмен ул бути чолокни,  
Не ажаб гар ўртаса охим ети афлокни.

Ўйла мажрух айладинг жисмимни, эй бебокким,  
Каттиг ахволимга кон йиглар хасу хошокким,  
Дуд бошимдин чикарди гардиши афлокким,  
Солди тийги фуркатинг багримга андок чокким,  
Багри бўлгай чок-чок улким кўрар бу чокни.

Гул юзунг бўлгач намоён пардадин, эй сиймбар,  
Хайли ишкинг айлади жон кишварин зеру забар,  
Ишк журмидин вужудим куйдурур бўлсанг агар,  
Хажр ўти жонимга ортукдур, анга бас бир шарар,  
Ўртамак дўзах била, яъни на бир хошокни.

Хар кеча агёр ила ул ой килиб завку сафо,  
Кунда юз бедилни ўлтурганга килмас иктифо,  
Катли ом айларга ушшок ахлини ул бевафо,  
Отланибдур маст кўнглакчан чекиб тийги жафо,  
То не ўт солгай жахонга кўргил ул бебокни.

Чекса ул берахм катлимга агар тийги халок,  
Мен килай рахши аёги остида жисмимни хок,  
Кўзу кўнглумни дема, бордур макоми вахмнок,  
Ишк ўти бирла кўнгул, сув бирла кўзни килди пок  
Пок манзилларда пинхон килгали ул покни.

Кимки олам шуглидин истар кутулмок май ича,  
Дайр пири хизматин жон бирла айлаб хар кеча,  
Дахр эли жавру жафоу зулмини тортай неча?  
Дайр аро даврон гамидин кочмишам, эй мугбача,  
Бир мугона май била шод айла бу гамнокни.

Рокимо, гар чарх килмок истамас жисмингни хок,  
Мотамингга не учун хар субх этар жайбини чок,  
Май ичиб тун-кун, кўнгул дунё гамидин айла пок,  
Бода бирла юнг Навоийни хумор этса халок,  
Боглангиз тобути узра берк нахли токни.

## НАВОИЙ ГАЗАЛИГА МУХАММАС

Ул ойга тийраи кулбам сори ногах гузор ўлгач,  
Сўрарга холи зоримни йирокдин ошкор ўлгач,  
Келиб нозу адоу ишва бирла барқарор ўлгач,  
Жамолин васф этармен хамдамим ул гулъузор ўлгач,  
Курук шох уйлаким, гуллар килур зохир бахор ўлгач.

Килич бошига келса ишқдин, кўнглум қачон тонгай,  
Кўтармай остонидин бошин ўлгунча ёстонгай,  
Хазин жон, нотавон кўнглум неча рашк ўтига ёнгай,  
Кошин кўргоч хасаддин истарам эл кўзи боглангай,  
Нечукким кўз тутарлар эл янги ой ошкор ўлгач.

Шахимен ишқ элининг, хору хородаур манга маснад,  
Сипоҳу лашқаримдур тогу саҳролар аро хар дад,  
Хирад касб этгали оллимда Афлотун ўқур абжад,  
Жунун эрмас кийиклар суҳбати дермен манга шояд,  
Бир ўк отқай галат ул қоши ё гарми шикор ўлгач.

Кўнгул, хижронда ўлсанг вокиф ўлмас ёр холингдин,  
Умид уз, васлидин кеч эмди савдои маҳолингдин,  
Юзу зулфин тилаб не ҳосил этдинг моҳу солингдин,  
Хавас ишқ айлаган озода кечгил бу ҳаёлингдин-  
Ки, чикмас бу тикан, кўнглинда.ногах устувор ўлгач.

Бўлуб озодалар дилхун, қаро тупрокдадур мадфтун,  
Кани Ширин била Лайли, кани Фарход ила Мажнун,  
Кани Дороу Искандар, кани Мусо, кани Хорун,  
Кани Хотам, кани Корун, кани Жамшиду Афридун,  
Бас эҳсон қил, санга гардуни дундин эътибор ўлгач.

Кочиб гам хайлидин, майхона кунжин айладим маскан,  
Агар ўлсам манга хум қирпичи остин қилинг мадфан,  
Эмастур ишқ сиррин фош қилмок бизга мустаҳсан,  
Деёлмас дард ила ўлдум вале билгилки чекмишман  
Бир оҳе, барча олам гусса дуди бирла тор ўлгач.

Килур мажруҳ, Роким, ҳажр бағримга уруб ханжар,  
Фигонким, васлидин мархам анга етқурмади дилбар,

Г.ниб парвонадек шавк ўтига хар лахза болу пар,  
Навоий шамъдек йиглаб куюб холини шарх айлар,  
Ул ой базмида бир тун рост ошикларга бор ўлгач.

### НАВОИЙ ГАЗАЛИГА МУХАММАС

Бахор вақтида кил сайри лолаи худрў,  
Нединким бог аро очилди гунчаи хўшбў  
Бу навъ чоғда ўлтурмок уйда бўлгаймў,  
Не яхши вақт эрур ер бирла бир бўлгу,  
Кўнгулда хар неча пинхон сўз ўлса айтилгу.

Тоғиб хаёт, тахайюл висолин айларда,  
Тавофи кўчаи жаннат мисолин айларда,  
Тазаккури мужау зулфу холин айларда,  
Каду юзу лаби лаъли хаёлин айларда  
Кўзумга кеча тонг отгунча келмади уйку.

Кел, эй шикаста кўнгул, тарки бу работ эткил,  
Онинг алойикидин тарки ихтилот эткил,  
Хазони марг етар, ишда ихтиёт эткил,  
Бахор вақтида май ичгилу нашот эткил,  
На шох колгуси оламда, не гадо колгу.

Тўлуб фасонаи хуснига Кофдин то Коф,  
Асири зулфи гирихгири неча мўйшикоф,  
Ул ойни хар киши кўргач деди килиб инсоф,  
Замири соф, юзи соф, тийнатидур соф,  
Нажоди одам эмастур, фаришта бўлгай бу.

Кабул айла сўзумни, эшит насихат сен,  
Хуш эт кўнгулни тутуб ёр бирла улфат сен,  
Жахон уйи аро мехмон неча фурсат сен,  
Висоли дўст ганимат, ўзунг ганимат сен  
Ки, хар нечук килибон бўлма ёрдин айру.

Жахонга токи адам танг нойидин келдим,  
Юракни тийги надам бирла хар сари тилдим,  
Бакои умри эмас селча, озмун килдим,  
Хаёту айнш жахонни бу кадарким билдим,  
Бияйнихи экан ул сояи рами оху.

Не бок, ишкида Роким гаму бало кўрса,  
Ўзини дард ила мехнатга мубтало кўрса,  
Тафохур анлар, агар ёрдин жафо кўрса,  
Навоий ёри жафокоридин вафо кўрса,

Онга бу рутба бори ошик ичра ойруксу.

### **ФУЗУЛИЙ ГАЗАЛИГА МУХАММАС**

Хаббазо, ул вақтким кўнглум баче масрур эди,  
Маснади иззат уза ул навъким фағфур эди,  
Бахту икболу саодат амрима маъмур эди,  
Эй хуш ул кунларки, рухсоринг менга манзур эди,  
Чашми уммидим чароги васлдин пурнур эди.

Чарх хар дам хашмату жоҳу жалолимни кўруб,  
Ою хуршиди билан тун-кун бошимдин эврулуб,  
Харна кўнглум орзу килса равон тайёр ўлуб,  
Курб шавки, офиятбахши тани бемор ўлуб,  
Васл завки, рохатафзойи дили махжур эди.

Шавку завку сидкидил бирла дегач наъти расул,  
Кўнглума файзу футух айлаб эди бехад нузул,  
Одам эрдим, курби даргоҳида бўлмишдим кабул,  
Рашкдин иблиси мардуд ўлгудек эрди малул,  
Манзилим жаннат, майим кавсар, анисим хур эди.

Кеча-кундуз бог сахнида ерим гулзор ўлуб,  
Шодком эрдим, назаргоҳим жамоли ёр ўлуб,  
Нозанинлар соғари ишратни пайдарпай сунуб,  
Домани икболима гарди таарруз кўнмаюб,  
Чашми хосид чехраи жамъиятимдин дур эди.

Лутфи ҳақдин бўлмиш эрдим ул сифат олижаноб,  
Комрону комбину комбахшу комёб,  
Хокрўби остоним эрди тун-кун шайху шоб,  
Хар дуо килсам, таваккуфсиз ўлурди мустажоб,  
Хар таманно айласам, эҳмолсиз макдур эди.

Хўбрўлардин етиб меҳру муҳаббат кўнглума,  
Ёвумас эрди гаму андуху кулфат кўнглума,  
Васл нузхатгоҳида бор эрди ишрат кўнглума,  
Хажр билмаздим, етурмаздим кудурат кўнглума,  
Гарчи давроннинг муҳолиф кездуги машхур эди.

Оҳким, Рокимни еткурмай севар жонона чарх,  
Килди юз дарду гаму меҳнат била хамхона чарх,  
Одатидур жавру зулм этмак бори инсона чарх,  
Нўла гар солса Фузулийни гами хижрона чарх,  
Васл айёмида ул гофил, инон, мағрур эди.

## ФУЗУЛИЙ ГАЗАЛИГА МУХАММАС

Кўнглуминг дардини дилдор билибдур, билурам,  
Мени васлина талабгор билибдур, билурам,  
Ўзина ошики дийдор билибдур, билурам,  
Ёр холи дилими зор билибдур, билурам,  
Дили зоримда наким вор билибдур, билурам.

Ёр агар ошики шайдосина гамхор ўлмаз,  
Ишк бозорида хуснига харидор ўлмаз,  
Дардидин ўлсам ул ой, ох, хабардор ўлмаз,  
Ёри агёр билибдурки манга ёр ўлмаз,  
Мен дахи оники агёр билибдур, билурам.

Ўзни ул мугбача масти маи жом айлагали,  
Отланиб чиктн, кириб элни тамом айлагали,  
Жон кушин донаи холи била ром айлагали,  
Зулфини ахли вафо кайдина дом айлагали,  
Мени у дома гирифтор билибдур, билурам.

Лаби хижронида бўлди жигарим дард ила кон,  
Чок сийнамда гами колмади харгиз пинхон,  
Дема, кўнглунгдаги дардингни анга айла баён,  
Мен на хожатки килам, дарди дилим ёра аён,  
Каму дарди дилими ёр билибдур, билурам.

Рокимо, комими талх этгали ул ширин лаб,  
Мехр фош айламайин килди газаб узра газаб,  
Гар онинг майли санга бўлмаса, не суд талаб,  
Ёр хамсухбатим ўлмазса, Фузулий, на ажаб,  
Ўзина сухбатими ор билибдур, билурам.

## ЗИЙРАК ГАЗАЛИГА МУХАММАС

Охким, багримни кон андухи фуркат айлади,  
Аклу хушу сабру оромимни горат айлади,  
Хонумондин ойириб беайшу ишрат айлади,  
Не эди журмим насибам чарх гурбат айлади,  
Хобу хўрдимни ватан ёдию хасрат айлади.

Дахри дун хар кун солиб бошимга юз минг можаро,  
Дуди охим бирла килди рўзгоримни каро,  
Тийги бедодидин айлаб нотавон жисмим яро,  
Бир гули рохат алимга бермайин бу бог аро,  
Жон аро юз даста неши хору мехнат айлади.

Кўрмадим ройимча харгиз чархи каж андешни,  
Еткурур хар кун хазин жонимга юз минг нешни,  
Дарду мехнат ўтига 5фтаб мени дилрешни,  
Совутуб мендин тамоми акрабоу хешни,  
Волидайним кўнглини бемехру шафкат айлади.

Дўст бўлгай деб жахон ахлига бўлдум хоки рох,  
Охким, жонимга душман бўлдилар беиштибох,  
Билмадим, ё раб, мени бечора килдим не гунох,  
Килмади таъсир аларга неча чекдим ўтлиг ох,  
Гарчи гардунга етиб кўнглин жарохат айлади.

Етти йилдур гурбат ичра кон ютуб лайлу нахор,  
Айрилиб хешу таборимдин юрурмен хору зор,  
Не манга бир ёр хамдам, не манга бир гамгусор,  
Огзима жонимни еткурди чекардин интизор,  
Холатим душвор чархи бемурувват айлади.

Не жахон богида кўрдум айш ила ишрат юзин,  
Не ато бирла анодин мехр ила шафкат юзин  
Кўрмадим ёру биродарлар била улфат юзин,  
Сокиё, тут бода кўнглунг кўрмасун кулфат юзин,  
Хонумонимни бу кун торожи кулфат айлади.

Бормудур мендек диёру мулкидин оворае,  
Кавму кардошидин айру багри юз минг порает,  
Рокимо, холимга хеч ким айламас наззорае,  
Йўктурур, Зийрак, чу сабр этмакдин ўзга чорае,  
Бўл ризо, неким казо девони кисмат айлади.

## **МАСНАВИЙ**

### **САЛОМНОМА**

Салом, эй ики хўбу зебо ўгул,  
Салом, эй манга икки мирзо ўгул.

Салом, эй ики нури дийдам менинг,  
Жахон ахлидин баргузидам менинг.

Салом, эй ики боги умрим гули,  
Хаётим гулистонининг булбули.

Салом, эй манга икки жондин азиз,  
Неким йўк азиз ондин, ондин азиз.

Салом, эй ики муниси жонимиз,  
Кўнгул куввати, жонга дармонимиз.

Атога ўгул жон эса бегумон,  
Вале иккинги танда жонимга жон.

Билингла, саросар эрур чин сўзум,  
Галат дер эсам, чиксун икки кўзум.

Бухорога ул кунки азм этдингиз,  
Укумок учун ул тараф кетдингиз.

Кўзумга бўлуб тийра яхши жахон,  
Гам остида колдим мени нотавон.

Замоне гамим сўргали йўк кишим,  
Килиб ёдингиз йигламокдур ишим.

Агар тиймасам кўз ёшим бир замон,  
Сув остида колгай тўкуз осмон.

Анингдек танимдин бориб кувватим,  
Ки тебрангали колмамиш кудратим.

Мени зор тортиб фиғон, йигларам,  
Дамодам финок ичра кон йигларам.

Не бор кечалар хоби рохат манга,  
Не кундузда бор истирохат манга.

Асал солсам огзимга огу бўлур,  
Ёрук кун кўзумга коронгу бўлур.

Улар хар ким айрилса бир жонидин,  
Кечиб дахр пайдову пинхонидин.

Мангаким эрур икки жондин финок,  
Тирик бўлмокимдур ўлумдин йинок.

Тирилгай эдим келсангиз ногахон,  
Кўзум юзларингизни кўрган замон.

Бўлуб эмди сизларга тангри шафик,  
Иккинги тавфикин айлаб рафик.

Не бўлгай карам айлабон ламязал,



Ато килса сизларга илму амал.

Бериб фахм ила донишу имтиёз,  
Халойик аро айласа сарфароз.

Сизи бахраманд айлаб аврокдин,  
Кўтарса мени доги туфрокдин.

Дилу жон бил^а килсангизлар талаб,  
Мурод ўлса хосил, эмасдур ажаб.

Денгу дўшингиз бирла айлаб талош,  
Кўтарманг ўкумокдин албатта, бош.

Бўлуб яхши озодалар хамдами,  
Талаб ичра тинманг, таёнманг даме.

Килиб гайрату нангу номусу ор,  
Этинг илм тахсилини ихтиёр...

Килиб сайр, кезмак хавас айламанг,  
Замоне ўкумокни бас айламанг.

Ўзингизга рохатни айлаб харом,  
Бўлунглар риёзат била субху шом...

Кўруб меванинг хом ила пишмишин,  
Хавас айламанг пистау кишмишин.

Деманг ейирга халвойтар яхширок,  
Каноат килинг, топсангиз нони кок.

Билиб дарсингиз айлаб азбар ўкунг,  
Ўкунглар, ўкунглар, ўкунглар, ўкунг.

Хавоу хаваслари айлаб рахо,  
Сабокларни такрор этинг борхо.

Масалдур, сабак бир агар бўлса харф,  
Ўкумок керак они хар кунда алф.

Килинг борхо саъй бирла жадал,  
Ганимат махалдур, ганимат махал.

Хаял айламанглар, ўкунг муттасил,  
Ўтар кўз юмуб очгуча ою йил.

Иккингишни кўллаб шахи Накшбанд,  
Бори илмдин айласун бахраманд...

Гахи орзу айлабон шархи хол,  
Иккингишга бир нома килсам хаёл.

Ёзай деб они кўлга олгоч калам,  
Килур кўз ёшим ила когозни нам.

Ки ёзмок анга нома осон эмас,  
Сув устига хат харгиз имкои эмас.

Будур узримиз, эй манга икки жон,  
Агар кунда бир нома килмон равон.

Йўк эрса неча сўзни такдир этиб,  
Бари муддаоларни тахрир этиб.

Ёзарда дурбор этиб хомани,  
Юборгай эдим кунда бир номани.

Топиб хажр таскинига эхтимол,  
Килиб жонфизо васлингишни хаёл.

Баси шод этиб табъи худкомани,  
Ёзиб бу бахона била номани.

Бировга бериб килдим они равон,  
Ўкугач бўлур сизга холни аён.

Бу янглиг агар килмасам макруол,  
Эрур номани ёзмок амри махол.

Мени эмди сизлар даги ёд этинг,  
Бирор нома бирла гахи шод этинг.

Ўлук жисмига мен даги жон топай,  
Фирок ичра дардимга дармон топай.

Дейин ошкора, эмас ёшурун,  
Бўлуб меҳрибон бизга мундин бурун,

Килиб мў-бамў холингишни баён,  
Ёзиб номаким килдингишлар равон.

Манга номангишни килиб йўлни тан,

Етурган замон косиди некпай,

Олиб кўзга суртиб, ўкуб йигладим,  
Согиниб икингишни кўб йнгладим.

Китобатки нисфул-мулокот эмиш,  
Улуглар бу сўзни на яхши демиш.

Бас авлодурурким ёзиб хар замон,  
Атога ўгул нома килмок равон.

Ато хам ўгулга ёзиб инчунин,  
Муhabбат юзидин, на аз рўйи кин.

Бу янглиг эса, эй чароги кўзум,  
Будур эмди сизларга айтур сўзум.

Менинг хажр катлига чекканда тийг,  
Гахи нома ирсолин этманг дариг.

Очиб номангишни ўкуган замон,  
Етар манга хар харфидин тоза жон.

Анинг лутфу эхсонидин йўк ажиб,  
Яна тангри дийдор килса насиб.

Касир айладим бермайин сўзга тул,  
Ўкуган киши бўлмасун деб малул.

Йўк эрса сўзум хадду поёни йўк,  
Ёзардин туганмаклик имкони йўк,

Добон максадин Рокими хуш калом,  
Бас этти сўзин аддуо вассалом.

## **МАРСИЯ**

Бординг оламдин, етишгач тангридин фармон, болам,  
Не илож айлай мени бечора билмон, жон болам,

Сендин, эй нури кўзум, юз войким, айрилгали,  
Ашк ўрнига окар икки кўзимдин кон, болам,

Мехнату дарду балоу хайли гам айлаб хужум,  
Килдилар бошимни охир ер била яксон, болам.

Токат этмай фуркатинг ўтига йиглаб зор-зор,  
Кечау кундуз килурмен тинмайин афгон, болам.

Мотамингда каттиг ун бирла ўкурсам, бўлгуси  
Оху ноламдин замину осмон ларзон, болам.

Совуруб бошимга туфроклар, килиб сийнамни чок,  
Сенсизин бўлдим харобу бесару сомон, болам.

Ох, билмасмен бу дардимга не чора айлайин,  
Хонумонимни фирокинг айлади вайрон, болам.

Санчилур багримга хар соатда юз минг хори гам,  
Бўлгали гулдек танинг ер остида пинхон, болам.

Не емак бор менда, не ичмак, не рохат бир замон,  
Бу ёмон холимга тому тош бўлур гирён, болам.

Не тирик сонидадурмен, не ўликлар сониди,  
Кўрса эл холимни, албатта, бўлур хайрон, болам.

Хар киши тугди анодин ўлгусидур окибат,  
Нўш этиб бир-бир ажалнинг шарбатин инсон, болам,

Бахру кон накдини харж айлаб кутулмок истабон,  
Топмамиш хеч ким ажалнинг дардига дармон, болам.

Мумкин эрмас жонни куткармок ажал жаллодидин,  
Не гадо колгай жахон мулкнда, не султон, болам.

Яхши одингни халопик дер эди Саййид Мурод,  
Ох, найлай бемурод этди мени даврон, болам.

Сўргали дарди дилимни ногихон келгайму деб,  
Гул юзинг истаб бокармен телмуруб харён, болам.

Олса жонимни ажал.жаллоди миннатдормен,  
Сенсиз оламда тирик бўлмок эмас имкон, болам.

Мушкил эрди сенсизин бирдам тирик бўлмок манга,  
Шукрим, ўлмакни хажринг айлади осон, болам.

Бўлса юз жоним оёгингга нисор этгай эдим,  
Келсанг эрди сўргали холимни ногохон, болам.

Хар сахарларда туриб йиглаб манга будур тилак,

Хак сенинг килгай маконинг равзаи ризвон, болам.

Тонгла махшарда карам айлаб худовандим санга,  
Хамдам эткай жаннат ичра хур ила гилмон, болам...

Баски йиглармен укуш гам бирла ашким селидин,  
Бошима емрулгудекдур кулбаи эХзон, болам.

Кўрса Роким ногахон тушда агар дийдоринги,  
Колмагай махшарга текру кўнглида армон, болам.

## КИТЪАЛАР

Куёшдек шах адолат пеша килса,  
Жахон мулкени бир дамда ёрутгай.  
Ва гар зулм этса окшом зулматидек,  
Хамул дам тийралик оламни тутгай.

Сокий, мени хор-хордин айла халос,  
Гул-гул юзунг оч, бахордин айла халос,  
Е май бериб интизордин айла халос,  
Ё ўлтурубон хумордин айла халос.

Сокий, кетур ул маи мугоний,  
Ким, унудолим гами жахони,  
Хардам манга касди жон эдар гам,  
Багрим ситам ила кон эдар гам.

Кошинг гамидин бўлди кадим ёй, нетай,  
Бу гам била, эй кофири худрой, нетай,  
Хижрон аро кўрмай сени ўлгум, охир,  
Эй вой нетай, вой нетай, вой нетай.